

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSC.03/30.01.2020.I.10.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСАҚОВ АЪЗАМ ТОШТЕМИРОВИЧ

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА АГРОРЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(Қашқадарё вилояти деҳқончиликга ихтисослашган фермер хўжаликлари мисолида)**

08.00.04— “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

УЎТ:

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исаков Аъзам Тоштемирович

Фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш
йўллари (Қашқадарё вилояти деҳқончиликга ихтисослашган фермер хўжаликлари
мисолида).....

5

Исаков Азам Тоштемирович

Пути повышения эффективности использования агресурсов в фермерских
хозяйствах
(на примере фермерских хозяйств, специализирующихся на растениеводстве
Қашқадарьинской области).....

34

Isakov Azam Toshtemirovich

Ways to increase the efficiency of the use of agricultural resources in farms
(on the example of farms specializing in agriculture in Kashkadarya region)...

60

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

62

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSC.03/30.01.2020.I.10.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСАҚОВ АЪЗАМ ТОШТЕМИРОВИЧ

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА АГРОРЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**
(Қашқадарё вилояти деҳқончиликга ихтисослашган фермер хўжаликлари мисолида)

08.00.04– “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Iqt2718 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нигмаджанов Учқун Холматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68,
e-mail: admin@tiame.uz

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___) рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz

**Диссертация автореферати 2026 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2026 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).**

К.А. Чариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

И. Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

Н.С. Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат бозорларидаги нобарқарорлик, иқлим ўзгариши ва ресурслар тақчиллиги шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарорлиги аввало агресурслардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ бўлиб бормоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, 2050 йилгача жаҳонда аҳоли сони 9,7 млрд кишига етиши прогноз қилинмоқда ва бу озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳажмини камида 50 фоизга оширишни талаб қилади. Бу эса чекланган ер, сув, меҳнат ва капитал ресурсларидан юқори самара билан фойдаланишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, аграр соҳада ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи глобал даражада стратегик аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари томонидан қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилаётган шароитда глобал иқлим ўзгариши, табиий ресурслар танқислиги ҳамда пандемиялар натижасида юзага келган логистика ва бозор чекловлари ер, сув, меҳнат, моддий-техника ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтириб, фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши ва қўшилган қиймат занжирларида узилишлар келтириб чиқармоқда, бу эса агресурслардан оқилона фойдаланиш, ресурс қайтимини ошириш, агросервис, логистика ва кооперация тизимларини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда такомиллаштириш ҳамда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги ва аграр тармоқ барқарорлигини таъминлашни долзарб вазифага айлантirmoқда.

Республикамизда фермер хўжаликларида агресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда уларнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар изчил ва тизимли равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ер ва сувдан оқилона фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда аграр ишлаб чиқаришда ресурс қайтимини оширишга қаратилган вазифалар аниқ белгилаб берилган. Шунингдек, 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони фермер хўжаликларида ер ресурсларидан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш учун институционал асосларни янада мустаҳкамлайди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фермер хўжаликларида ер, сув, меҳнат, моддий-техника ва молиявий ресурслардан комплекс ҳамда оптимал фойдаланиш, ресурс қайтимини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга қаратилган иқтисодий механизмларни жорий этиш зарурлигини кўрсатади. Шу боис, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келаётган шароитда агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини илмий асосда баҳолаш ва уни ошириш йўллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш мазкур диссертация мавзусини танлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида агресурслардан самарали фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, агросервис ва кооперацияни ривожлантириш аграр соҳани модернизация қилишнинг устувор вазифалари сифатида белгилаб берилган. Мазкур стратегик ҳужжат фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, инновацион агротехнологияларни жорий этиш ҳамда қўшилган қиймат занжирларини ривожлантириш орқали агресурслар самарадорлигини оширишни назарда тутди. Шу жиҳатдан, ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган мазкур диссертация иши, муайян даражада мустаҳкам илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аграр соҳани ислоҳ қилишда фермер хўжаликларида агресурслардан самарали фойдаланишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг назарий асослари ва амалий йўналишлари Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорларида ўз аксини топган.

Фермер хўжаликларида ресурслардан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари бўйича бир қатор хорижлик олимлар жумладан, Б.И. Пошкус, Л.А. Павлов, К. Панкова, А.В. Чаянов, Т.В.Шульц, Ф.Эллис, Ж. Претти¹ ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқда турли мулкчилик шаклларида асосланган фермер хўжаликларида агресурслардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини яратиш, иқтисодий эркинлаштириш шароитида улар фаолиятини мувофиқлаштириш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари билан мамлакатимиз етук иқтисодчи олимлардан А.М. Жўраев, Р.Х. Хусанов, У.Х. Нигмаджанов, Ў.П. Умурзоқов, Н.С. Хушматов, Қ.А. Чориев Т.Х. Фарманов, Р.Р. Раджапов, И.Қ. Ражабов, , Ч.М. Муродов, А.А. Қодиров, А.А. Шокиров, Ғ. Саматов, И. Рустамова О. Муртазаев, Ф. Ахроров, Д. Саидова, З.С. Шохўжаева² ва бошқалар илмий изланишлари билан катта ҳисса қўшганлар ва давом эттирмоқдалар.

Шу билан бирга истиқболда қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритувчи субъект сифатида фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритиши, ушбу олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ислохотларнинг дастлабки даврларида, ҳамда маълум бир турдаги ресурс билан таъминлаш ва ундан самарали фойдаланиш масалаларига қаратилганлиги, лекин фермер хўжаликларида агресурсларнинг барча турлари, уларнинг иқтисодий таъсири комплекс равишда етарлича тадқиқ этилмаганлиги, агресурслардан фойдаланишда бир

¹Пошкус Б.И. Экономическая эффективность использования ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: Финансы и статистика, 2011. – 268 с. (133–150-с.). Павлов Л.А. Экономические механизмы развития аграрной сферы. – М.: Экономика, 2013. – 304 с. (88–110-с.). Панкова К. Sustainable use of agricultural resources. – Prague: Charles University Press, 2016. – 212 p. (54–71-p.). Чаянов А.В. The Theory of Peasant Economy. – Homewood (Illinois): Richard D. Irwin, 1966. – 317 p. (pp. 85–112). Т.В.Шульц Transforming Traditional Agriculture. – New Haven: Yale University Press, 1964. – 212 p. (pp. 33–57). Эллис Ф. Peasant Economics: Farm Households and Agrarian Development. – Cambridge: Cambridge University Press, 1993. – 309 p. (pp. 141–168). Претти Ж. *Agricultural sustainability: concepts, principles and evidence.* // *Philosophical Transactions of the Royal Society B.* – 2008. – Vol. 363, No. 1491. – pp. 447–465.

²Жўраев А.М. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар. – Тошкент: Fan, 2015. – 287 б. (51–69-б.), Хусанов Р.Х. Фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2016. – 248 б. (97–118-б.), Умурзоқов Ў.П. Қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланиш. – Тошкент: Fan, 2018. – 276 б. (142–165-б.), Хушматов Н.С. Аграр иқтисодиётда бошқарув ва самарадорлик. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2019. – 310 б. (121–147-б.), Чориев Қ.А. Аграр соҳада ресурслардан фойдаланиш иқтисодиёти. – Тошкент: Iqtisodiyot, 2017. – 198 б. (103–119-б.), Фарманов Т.Х. Фермер хўжаликларида иқтисодий рағбатлантириш механизмлари. – Тошкент, 2020. – 224 б. (66–84-б.), Раджапов Р.Р. Фермер хўжаликларида иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Наврўз, 2021. – 234 б. (129–148-б.), Муродов Ч.М. Аграр соҳада мулкчилик муносабатлари. – Тошкент, 2018. – 216 б. (90–107-б.), Қодиров А.А. Қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий асослари. – Тошкент: Fan, 2017. – 256 б. (78–96-б.), Шокиров А.А. Аграр соҳада иқтисодий самарадорликни ошириш механизмлари. – Тошкент: Iqtisodiyot, 2018. – 232 б. (101–119-б.), Саматов Ғ. Фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлиги. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2019. – 214 б. (64–82-б.), Рустамова И. Қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш масалалари. // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар.* – 2020. – № 3. – 45–53-б., Муртазаев О. Аграр соҳада ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий механизмлари. – Тошкент: Navro‘z, 2016. – 198 б. (88–104-б.), Ахроров Ф. Фермер хўжаликларини ривожлантиришда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш. // *Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.* – 2019. – № 2. – 27–35-б. Саидова Д. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларини бошқаришнинг замонавий усуллари. – Тошкент: Yangi asr avlodi, 2021. – 176 б. (59–73-б.).

худуд бўйича монографик тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ўзимизнинг илмий изланишларимиз натижаларига кўра таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ушбу мавзунини танлаб олишга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация иши “Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Куйилган мақсаддан келиб чиқиб куйидаги вазифалар ҳал этилди:

фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини ёритиш ва агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

фермер хўжаликларида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

моддий – техника ресурсларидан самарали фойдаланишнинг фермер хўжаликлари иқтисодийётига таъсирини таҳлил қилиш;

фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш, халқаро стандартлар асосида самарадорликни ошириш ва сифат бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истикболларини прогнозлаш параметрлари ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида. Фермер хўжаликлари ва уларни ресурслар билан таъминловчи ташкилотлар тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади. Монографик тадқиқотлар олиб бориш объекти сифатида Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари танлаб олинган.

Тадқиқот предмети. Фермер хўжаликларининг ресурслар билан таъминлаш муаммолари, уларга таъсир этувчи омиллар, фермер хўжаликларининг агресурслардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар мажмуаси ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида таққослама таҳлил, ҳисоб-конструктив, иқтисодий-статистик гуруҳлаш, мантиқий ва абстракт фикрлаш, монографик кузатиш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

- “Агресурслар” тушунчасига янгича иқтисодий мазмун берилди ҳамда агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган;

- фермер хўжаликларида ер, сув, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар тайёрланган;

- фермер хўжаликларида мақбул кишлоқ хўжалиги амалиётини жорий этиш ва сифат бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрланган.

- фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истикболларини прогнозлаш параметрлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг фермер хўжаликлари ҳамда агресурслар тўғрисидаги илмий қарашлари ва ишланмаларини қиёслаш асосида танқидий ўрганилганлиги, тадқиқот

жараёнида илмий-методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадли қўлланилганлиги, ахборотларнинг расмий манбалар ва бевосита монографик ўрганилган фермер хўжаликларида ўтказилган анкета сўровнома усуллари асосида олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий изланишлар натижасида олинган назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар ҳамда тавсиялардан фойдаланиш, республикамиз фермер хўжаликларида агресурслардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини яратади. Шунингдек:

- Қашқадарё вилояти деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида агресурслардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;

- фермер хўжаликларида агресурслар самарадорлигини баҳолаш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолашга қаратилган UIS ва АВҮІ интеграл кўрсаткичларини қўллаш ҳамда маҳаллий шароитлар асосида ресурслар самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий ёндашувга оид тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (06.03.2026 йил №06/26-4-05/1592—сонли маълумотнома). Ушбу тавсияларни жорий этиш натижасида фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш имконияти яратилди ҳамда ресурслар сарфини 10–15 фоизгача қисқартириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини 12–18 фоизгача ошириш имконияти шакллантирилди;

Агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган “фермер—кластер—деҳқон интеграция модели”ни амалиётга жорий этиш бўйича ташкилий-иқтисодий тавсиялар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (06.03.2026 йил №06/26-4-05/1592—сонли маълумотнома). Ушбу моделни жорий этиш натижасида агросервис хизматларидан фойдаланиш даражаси ошиши, ресурслар қайтими яхшиланиши ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини 8–12 фоизга камайтириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини 10–15 фоизгача ошириш имконияти яратилди;

GLOBALG.A.P ва ISO 9001 халқаро стандартларини жорий этишни жадаллаштиришга қаратилган сертификация ва агроконсалтинг марказлари, рақамли агрожурнал, агроаудит хизматлари ҳамда лаборатория назоратини такомиллаштириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмга оид тавсиялар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (06.03.2026 йил №06/26-4-05/1592—сонли маълумотнома). Ушбу механизмни жорий этиш натижасида маҳсулот таннархини 8–10 фоизгача камайтириш, сув ва минерал ресурслар сарфини 15–20 фоизгача қисқартириш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар улушини 20–25 фоизгача ошириш имконияти яратилди;

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида агресурслардан самарали фойдаланиш асосида бир гектар ерга тўғри келадиган даромаднинг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (06.03.2026 йил №06/26-4-05/1592—сонли маълумотнома). Ушбу прогноз кўрсаткичларини амалиётда қўллаш натижасида фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш имконияти яратилди ҳамда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини 15–20 фоизгача ошириш имконияти шакллантирилди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга

жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликларида агресурслардан самарали фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида, бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликларида агресурслардан самарали фойдаланишнинг назарий-методологик асослари тизимли равишда ёритилган. Агресурслар иқтисодиётининг илмий эволюцияси, ресурслар самарадорлиги тушунчасининг турли иқтисодий мактаблардаги талқинлари ҳамда замонавий шароитда ресурслардан фойдаланишни бошқаришга оид комплекс ёндашувлар асослаб берилган.

Фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий мазмуни очиб берилган ва агресурслардан оқилона фойдаланиш аграр ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ҳамда барқарорлигига бевосита таъсир этувчи ҳал қилувчи омил эканлиги илмий жиҳатдан асосланган. Бунда агресурслар қишлоқ хўжалиги фаолиятида табиий, моддий ва номоддий ресурслар йиғиндиси сифатида қаралиб, улардан рационал фойдаланиш иқтисодий натижаларни белгилайдиган устувор шарт сифатида талқин этилган.

Бобнинг муҳим жиҳати сифатида ХХІ асрда агресурслар иқтисодиётининг рақамлашув ва инновациялар таъсирида янги босқичга кўтарилаётгани кўрсатилган. Хусусан, Smart Agro Management, Precision Agriculture, IoT, Big Data ва GIS технологиялари орқали ресурслар ҳаракатини мониторинг қилиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш имкониятлари назарий жиҳатдан ёритилган ҳамда бундай ёндашувлар инсон омили таъсирини қисқартириш, ресурс сарфини оптималлаштириш ва ишлаб чиқариш натижадорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланган.

Муаллиф томонидан агресурслар категориясини кенг талқин қилиш асосида **“агресурслар”** тушунчасига муаллифлик таърифи таклиф этилган: агресурслар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бевосита ва билвосита иштирок этувчи табиий, моддий, молиявий, меҳнат, инновацион ҳамда интеллектуал компонентлардан ташкил топган комплекс ресурслар тизими сифатида асосланган. Ушбу таъриф аграр ишлаб чиқаришда ресурслар ўзаро интеграцияда ҳаракат қилиши ва натижада иқтисодий барқарорлик ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишини тушунтирувчи назарий платформани шакллантиради.

Бобда қишлоқ хўжалигида агресурслардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари (ресурсларнинг табиий-иқлимга боғлиқлиги, ер ресурсларининг кўчмаслиги ва тикланиш муддати, биологик жараёнлар таъсири, мавсумийлик, агротехник муддатларга қатъий риоя қилиш зарурати) тизимлаштирилган. Мазкур хусусиятлар фермер хўжаликларида ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш, ресурслардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда агротехник тадбирларни режалаштиришда асосий методологик мезон сифатида эътироф этилган.

Агресурслар — бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида бевосита (ишлаб чиқариш базасини шакллантирувчи) ва билвосита (ишлаб чиқариш самарадорлиги ва барқарорлигини таъминловчи) тарзда иштирок этувчи, табиий, моддий, молиявий, меҳнат, инновацион ва интеллектуал салоҳиятни қамраб олган ресурслар тизимидир (1-расм).


Бобда агресурслар самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичларни туркумлашнинг илмий-услубий аҳамияти очиб берилиб, кўрсаткичларни микдор, қиймат ва сифат; бевосита ва билвосита; мураккаб ва оддий каби гуруҳларга ажратиш зарурати асосланган. Шунингдек, ресурслар самарадорлигини таҳлил қилишда кўп босқичли ёндашув таклиф этилиб, дастлабки ҳолат, жараён, якуний натижа, истиқбол ва инновацион ривожланиш кўрсаткичлари асосида комплекс баҳолаш имконияти шакллантирилган.

Назарий хулосаларни мустаҳкамлаш мақсадида республика олимларининг (Р.Х. Хусанов, К.А. Чориев, Ў.П. Умурзоқов, И.Қ. Ражабов ва бошқалар)³ ресурслар

³Умурзоқов Ў.П. *Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент*. – Тошкент: Iqtisod-Moliya, 2008. – 264 б. Чориев К.А. *Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку*. – Ташкент: Фан, 1992. – 182 с. Ражабов И.Қ.

самарадорлигини баҳолашга оид илмий ёндашувлари таҳлил қилиниб, фермер хўжаликлари шароитида самарадорлик кўрсаткичларини ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, сув таъминоти, тупроқ унумдорлиги ва технологик жиҳатлар билан боғлиқ ҳолда комплекс ҳисобга олиш зарурлиги илмий асосланган.

1-расм.



1 – расм. Агроресурслардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар тизими ⁴

Агроресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда давлатнинг иқтисодий ва ҳуқуқий сиёсати ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани кўрсатилиб, аграр соҳада ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар, кодекслар, президент фармон ва қарорлари) ресурс самарадорлигини оширишга замин яратиши таъкидланган. Шу орқали фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш масаласи институционал-меъёрий муҳит билан узвий боғлиқ эканлиги назарий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган ва бозор муносабатлари шароитида иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг комплекс ёндашуви илмий жиҳатдан асосланган. Бунда аграр

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агроресурслар бозори мувозанати ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги: диссертация автореферати. – Тошкент, 2006. – 42 б. Хусанов Р.Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва аграр иқтисодиёт. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 144-б.

⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

секторда рақобат муҳитининг кучайиши, ресурслар тақсимои самарадорлиги ва инновацион технологияларни жорий этиш зарурати фермер хўжаликлари учун ресурс тежамкорлигини таъминлашни стратегик мақсадга айлантираётгани таъкидланган.

Бобда бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий мақсади — минимал харажатлар билан максимал даромадга эришиш экани қайд этилиб, мазкур натижага эришиш ҳар бир ресурс бирлигининг маҳсулот ҳажми ва фойда шаклланишидаги улушини аниқ ҳисоблаш ва баҳолаш орқали таъминланиши илмий жиҳатдан очиб берилган. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги ва табиат қонунларига боғлиқлиги туфайли иқтисодий самарадорликни баҳолашда ҳудуднинг табиий-иқлим шароитларини ҳам комплекс инobatга олиш зарурлиги асосланган.

Методологик нуқтаи назардан, агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда барча асосий ресурслар (ер, сув, меҳнат, техника, молия, минерал ўғитлар ва бошқалар) ҳисобга олинган ҳолда уларнинг умумий самарадорлигини аниқлаш лозимлиги илгари сурилган. Ушбу ёндашув фермер хўжалиги фаолиятини бир томонлама эмас, балки ишлаб чиқариш ресурслари ва натижа ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қамраб олган ягона комплекс баҳолаш имконини беради.

Бобда агроресурслар самарадорлигини ҳисоблаш учун ҳар бир ресурс тури бўйича алоҳида иқтисодий кўрсаткичлар таклиф этилган. Хусусан, ердан фойдаланиш самарадорлиги ер майдонига нисбатан иқтисодий натижа орқали, сувдан фойдаланиш самарадорлиги сарфланган сув ҳажмига нисбатан олинган иқтисодий натижа орқали, меҳнат ресурслари самарадорлиги ишчи кучи бирлигига тўғри келадиган маҳсулот (ёки даромад) кўрсаткичи орқали, моддий-техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги эса техника қийматига нисбатан яратилган маҳсулот қиймати орқали баҳолаш механизмлари асосланган. Бундай ёндашув ресурс турлари кесимида самарадорлик манбаларини аниқлаш ва резервларни очишга хизмат қилади.

Бобда муҳим илмий жиҳатларидан бири сифатида фермер хўжалиги раҳбарининг интеллектуал салоҳиятини иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омил сифатида методик баҳолаш модели таклиф этилган. Унда раҳбарнинг касбий билимлари, тажриба салоҳияти, қарор қабул қилиш қобилияти, инновацион фикрлаш ва маҳаллий шароитни тушуниш даражаси ҳамда мотивацион омиллар балл тизими асосида баҳоланиши мумкинлиги кўрсатилган. Мазкур ёндашув инсон капитали омилини аграр иқтисодий таҳлилга интеграция қилиш имконини кенгайтиради ва бошқарув қарорларининг сифати самарадорлик натижаларини белгилашда муҳим эканини илмий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Шунингдек, агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда ҳудуднинг табиий-иқлим шароитини ҳисобга олиш мақсадида табиий-иқлим индекси (ТИ) таклиф этилиб, уни ҳарорат, ёғингарчилик ва кўёш нурланиши каби кўрсаткичлар асосида қиёсий баҳолаш мумкинлиги асосланган. Бу эса ҳосилдорликни прогноз қилиш, агротехник тадбирларни режалаштириш ва ресурсларни бошқариш қарорларини қабул қилишда табиий омилларнинг таъсирини методик жиҳатдан инobatга олишга хизмат қилади.

Агроресурслар кесимида ҳисобланган кўрсаткичларни ягона натижага келтириш мақсадида умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи (UIS) концепцияси илгари сурилиб, уни индекс шаклида (0–1 интервалда) баҳолаш зарурати асосланган. Бунда кўрсаткичларнинг ўлчов бирликлари турлича экани сабабли интеграл баҳолаш учун мин–макс нормаллаштириш усули қўлланилиши мақсадга мувофиқ деб топилган. Бу услуб агроресурслар ўртасидаги номутаносибликларни камайтириб, комплекс индексни ҳисоблашда натижаларнинг таққосланувчанлигини таъминлайди.

$$UIS = YFS + SFS + IKFS + MTFS + IS_{fermer} + TI$$

Бунда:

YFS — ердан фойдаланиш самарадорлиги (сўм/га).

SFS — сувдан фойдаланиш самарадорлиги (сўм/м³ ёки маҳсулот/м³);

IKFS — ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлиги (сўм/ишчи);

MTFS — моддий техникадан фойдаланиш самарадорлиги (сўм);

IS_{fermer} - Фермер хўжалиги раҳбарининг интеллектуал салоҳати(балл).

TI – табиий-иқлим шароити (индекс).

1– жадвал.

ABYI индекси бўйича агресурслар тизимини баҳолаш⁵

Белги	Омил номи	Мазмуни	Баҳолаш мақсади	Вазн коэффициенти (w_i)
E	Ер самарадорлиги	1 гектар ерга тўғри келадиган ялпи маҳсулот ҳажми	Ердан фойдаланиш даражаси	0,30
W	Сув самарадорлиги	1 м ³ сув сарфига нисбатан маҳсулот чиқиши	Ирригация самарадорлиги	0,25
L	Меҳнат самарадорлиги	1 ишчи ҳиссасига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми	Меҳнат унумдорлиги	0,20
T	Техника таъминоти	1 техника воситасига нисбатан маҳсулот ҳажми	Механизация даражаси	0,10
F	Молиявий самарадорлик	1 сўм сарфга нисбатан маҳсулот чиқиши	Капиталдан фойдаланиш самарадорлиги	0,15

Агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолашнинг илмий-амалий жиҳатдан муҳим қисми сифатида ABYI (Агресурслар барқарорлигининг йиғма индекси) интеграл модели таклиф этилган. Ушбу индекс ер, сув, меҳнат, техника ва молиявий ресурсларнинг нормаллаштирилган самарадорлик кўрсаткичларини вазн коэффициентлари орқали бирлаштириб, фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш даражасини 0 дан 1 гача интервалда баҳолаш имконини беради (1-жадвал). Индекснинг интерпретация шкаласи ишлаб чиқилган бўлиб, у жуда пастдан жуда юқори барқарор самарадорлик даражасигача бўлган ҳолатларни иқтисодий талқин қилиш имкониятини яратади.

ABYI моделида вазн коэффициентларини илмий асослаш зарурлиги қайд этилиб, уларни эксперт баҳолари ва АНР усули орқали аниқлаш ёндашуви индекснинг ишончилигини ошириши таъкидланган. Шу билан бирга, композит индикаторлар методологияси (халқаро ёндашувлар) га таянган ҳолда индекснинг афзалликлари — ресурслар таъсирини интеграл кўрсаткичга бирлаштириш, ҳудудлар кесимида такқослаш, самарадорлик захираларини аниқлаш ва кейинги босқичларда экологик ҳамда инновацион омиллар билан кенгайтириш имконияти — методик жиҳатдан асослаб берилган.

ABYI индекси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$ABYI = w_E E^{norm} + w_W W^{norm} + w_L L^{norm} + w_T T^{norm} + w_F F^{norm}$$

Фермер хўжаликлари самарадорлигини баҳолашда фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг аҳамияти очиб берилган. Рентабеллик ресурслардан фойдаланиш натижадорлигини ифодаловчи нисбий кўрсаткич сифатида талқин қилиниб, уни ресурслар рентабеллиги, реализация рентабеллиги, айланма ресурслар рентабеллиги каби гуруҳларга ажратиш ҳамда уларнинг биргаликда таҳлили фермер хўжалигининг молиявий барқарорлиги, риск профили, кредит қобиляти ва инвестицион салоҳиятини баҳолашда муҳим методик асос экани асосланган.

Фермер хўжаликларида агресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг хорижий тажрибалари тизимли таҳлил қилинган. Бунда ривожланган мамлакатларда аграр ресурслардан фойдаланиш сиёсати ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, ер ҳолати ва ишлаб чиқариш ихтисослашувидан келиб чиқиб минтақалаштирилган ёндашув асосида амалга оширилиши илмий жиҳатдан асосланган. Тадқиқотда мазкур ёндашув ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш, қишлоқ хўжалиги барқарорлигини сақлаш ва рақобатбардошликни оширишда муҳим институционал механизм сифатида талқин этилган. Агресурслардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан Нидерландия, Германия, Бразилия ва Қозоғистон тажрибалари ўрганилган.

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Германия тажрибалари қиёсий таҳлил қилиниб, ер маҳсулдорлиги, сув ресурсларини бошқариш, меҳнатни механизациялаштириш, техника таъминоти ва рақамли технологияларни жорий этиш даражалари ўртасидаги фарқлар асосида республикада ресурс самарадорлигини ошириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Хусусан, рақамлаштирилган ер кадастри, “смарт суғориш” тизимлари, АІ-бошқарув ечимлари, меҳнат ресурсларини рақамли режалаштириш ва техникани лизинг/ижара платформалари орқали модернизация қилиш каби механизмларни жорий этиш агроресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг истикболли йўналишлари сифатида асосланган.

Диссертациянинг **“Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришда ресурслардан самарали фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида, Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, уларнинг иқтисодий самарадорлиги, мелиоратив вазият, шўрланиш–эрозия омиллари ҳамда ирригация тармоқларининг техник ҳолати тизимли таҳлил қилинган. Тадқиқотда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мамлакатда ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилган умуммиллий вазифа экани (Ер кодекси тамойиллари) ҳамда иқлим ўзгариши шароитида мазкур ресурсларга босим кучайиб бораётгани асос сифатида қабул қилинган.

Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларининг умумий ер майдони 2020–2024 йилларда барқарор ўсиш тенденциясини сақлаган: 531,8 минг гектардан 536,0 минг гектаргача кўтарилган. Суғориладиган ерлар майдони эса 438,0–439,8 минг гектар оралиғида деярли ўзгармасдан қолган. Шу билан бирга, ердан фойдаланиш иқтисодий қайтими ошган: 1 гектар ерга тўғри келадиған маҳсулот қиймати 29,0 млн сўм/гадан 36,0 млн сўм/гагача ўсгани (+24%) ва ялпи маҳсулот ҳажми 12,75 трлн сўмдан 15,85 трлн сўмгача кўпайгани (+24,3%) фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қиймат кўрсаткичларида ўсиш борлигини кўрсатади. Деҳқончилик майдони улуши 82% атрофида барқарор сақланган ҳолда ер унумдорлиги индекси 2020 йилга нисбатан 124,1 гача ўсгани интенсивлашув тенденцияси мавжудлигини тасдиқлайди (2-жадвал).

2-жадвал.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида ер ресурсидан фойдаланиш кўрсаткичлари⁶

Йил	Фермер хўжаликлари умумий ер майдони, минг га	Шу жумладан суғориладиган ер, минг га	Деҳқончил ик майдони улуши, %	Ерга нисбатан ялпи маҳсулот ҳажми, млрд сўм	1 гектар ерга тўғри келадиған маҳсулот қиймати, млн сўм/га	Ер унумдорлиги индекси (2020 = 100%)
2020	531,8	438,0	82,2	12 750,0	29,0	100
2021	533,0	438,7	82,3	13 380,0	30,4	104,8
2022	534,1	439,1	82,1	14 020,0	31,9	110,0
2023	535,0	439,5	82,1	14 820,0	33,6	115,9
2024	536,0	439,8	82,0	15 850,0	36,0	124,1

Бироқ, таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, иқтисодий кўрсаткичлар ўсиши фонида агромилиоратив ҳолатда салбий тенденциялар сақланмоқда. Вилоят суғориладиган ерларининг тахминан 46–48 % қисми турли даражада шўрланиш таъсирида, 30 % қисми ирригацион эрозия босимида экани ер ресурсларидан самарали фойдаланишни чекловчи асосий омиллардан бири сифатида қайд этилган. Шунингдек, тупроқ сифати пасайиши натижасида суғориладиган ерларнинг ўртача балл-бонитет кўрсаткичи 2020 йилдаги 54 баллдан 2024 йилда 51 баллга тушгани, яъни тупроқ унумдорлигида йилма-йил пасайиш кузатилаётгани асосланган. Бу ҳолат зах сув сатҳи билан боғлиқ муаммолар, дренаж

⁶ Манба: Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

тармоқларининг қониқарсиз ишлаши ва агротехника талабларига тўлиқ амал қилинмаслиги билан изоҳланган.

Тадқиқотда шўр ювиш ишлари самарадорлиги ҳам баҳоланиб, 2024 йилда режага нисбатан 2,6 минг гектар (8,8%) майдонда шўр ювиш тадбирлари бажарилмагани кўрсатилган. Монографик кузатишлар асосида шўр ювилмаган майдонларда балл-бонитет 31–42 балл, шўр ювилган майдонларда 48–53 балл экани, яъни ер унумдорлигида 15–20 балл фарқ ҳосил бўлиши пахта, буғдой ва беда ҳосилдорлигида 6–14 ц/га йўқотишларига олиб келаётгани илмий далил сифатида келтирилган. Демак, мелиоратив тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилиши ер ресурслари самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Сув сарфи динамикаси таҳлили 2020–2024 йилларда 1 гектарга тўғри келадиган сув сарфи 11,3 минг м³/гадан 10,7 минг м³/гага тушганини (–4,9%) кўрсатиб, бу сув сарфини қисқартириш тенденцияси мавжудлигини англатади. Бироқ сув самарадорлигини натижавий баҳолашда асосий мезон сифатида 1 минг м³ сув ҳисобига олинган ҳосил кўрсаткичи олинган бўлиб, 2022–2024 йилларда ўртача 8,2% ўсиш қайд этилган. Айниқса сабзавот ва узумчиликда сув самарадорлиги юқорироқ ўсгани томчилатиб суғориш улуши ва агротехнологик тадбирлар билан боғлиқ экани таъкидланган.

Сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати бўйича таҳлилда Қашқадарё вилоятида сув таъминоти ва тақсимоти ҳудудлар кесимида асимметрик экани аниқланган. Чўл туманларида сув билан таъминланганлик 87–92% даражагача етгани ҳолда, тоғолди ва эски суғориладиган ҳудудларда 52–60% атрофида сақланиб қолгани қайд этилган. Вилоятда ирригация тизимининг фойдали иш коэффиценти ўртача 0,65 бўлиб, демак, потенциал сувнинг тахминан 35% қисми тармоқларда йўқотилаётгани (3-жадвал) асосланган. Бу йўқотишлар асосан ирригация тармоқларининг катта қисми капитал таъмирга муҳтожлиги, насос агрегатларининг техник ҳолати, гидрометрия аниқлигининг пастлиги ва сув ҳисобининг рақамлашмаганлиги билан изоҳланган.

3- жадвал.

Қашқадарё вилояти айрим туманларда сув йўқотиш ва таъминот даражалари (2024 йил)⁷

Туман номи	Суғориш тармоғи ҳолати (ирригация тизимининг фойдали иш коэффиценти)	Сув йўқотиш (%)	Сув билан таъминланганлик (%)
Дехқонобод	0,82	20–25	90–92
Косон	0,80	22–24	87–90
Қамаши	0,53	43–45	52–54
Китоб	0,55	40–42	55–57
Шаҳрисабз	0,57	38–41	58–60
Вилоят бўйича ўртача	0,65	33–36	72–74

Суғориш режаларининг бажарилиши бўйича 2024 йилда амалдаги суғориш ижроси 99,3% ни ташкил этиб, сувдан фойдаланиш коэффиценти ўртача 0,89 га етгани қайд этилган. Бироқ айрим ҳудудларда (Қарши, Касби, Нишон) гидромелиоратив муаммолар суғориш режаси ижросини пасайтирувчи омил сифатида белгиланган. Нишон тумани мисолида суғориш ва дренаж тармоқларининг қониқарсиз ҳолати, хўжалик ички тармоқларда фойдали иш коэффицентининг пастлиги (0,58), зовурларнинг таъмирга муҳтожлиги сув йўқотишларини ошираётгани ва шўрланиш жараёнларини кучайтираётгани илмий асосда тушунтирилган.

Қашқадарё вилоятида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда иқтисодий кўрсаткичлар ўсиши кузатилса-да, мелиоратив муаммолар, ирригация инфратузилмасининг эскириши ва ҳудудлар кесимидаги таъминланганлик номувофиқлиги ресурс самарадорлигини тўлиқ

⁷ Манба: Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби:

намоён этишга тўсқинлик қилаётганини кўрсатди. Шу асосда, 2025–2030 йилларда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги устувор йўналишлар таклиф этилди: коллектор-дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш ва эксплуатация назоратини кучайтириш; суғориш тармоқларида гидрометрия ва рақамли ҳисобга олиш датчикларини жорий этиш; сув тежовчи технологиялар қамровини кенгайтириш; лазерли текислаш ишларини кўпайтириш; мелиоратив тадбирларни илмий асосланган режалаштириш ва молиялаштириш механизмларини мустаҳкамлаш.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида моддий–техника таъминоти, агросервис–логистика инфратузилмаси, техника паркининг таркибий ҳолати, уни молиялаштириш манбалари, минерал ўғитлар билан таъминланиш даражаси ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш динамикаси таҳлил қилинди. Тадқиқотда моддий–техника базасининг мустаҳкамланиши ишлаб чиқариш ҳажми, ресурслар тежамкорлиги ва меҳнат унумдорлигини оширишда ҳал қилувчи омил экани асосланди.

2020–2024 йилларда вилоятда фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари сони 79 тадан 125 тагача кўпайиб, 158,2% га ўсган. Айниқса агросервис марказлари (18→32 та), агрокимё лабораториялари (11→18 та), қайта ишлаш шаҳобчалари (15→26 та) ва логистика–сақлаш марказлари (5→9 та) кенгайгани ресурслардан фойдаланишда институционал имкониятлар ошганини кўрсатади. Шу билан бирга, инфратузилманинг ҳудудлар кесимида номутаносиб жойлашуви (айниқса Чироқчи, Дехқонобод, Косон каби ҳудудларда) техник хизмат, таълим–консалтинг ва агрологистика самарадорлигини чеклаб турган омил сифатида қайд этилди. Демак, инфратузилма ўсиши мавжуд бўлса-да, уни ихтисослашув ва ҳудудий эҳтиёж асосида оптималлаштириш зарур.

4– жадвал

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида моддий-техника ресурслари таъминот даражаси⁸

№	Техника тури	2021 йил			2022 йил			2023 йил			2024 йил			2024/ 2021, %
		Мав-жуд	Ке-рак	Таъмин-ланган %	Мав-жуд	Ке-рак	Таъмин-ланган %	Мав-жуд	Ке-рак	Таъмин-ланган %	Мав-жуд	Ке-рак	Таъмин-ланган %	
1	Ҳайдов трактор-лари	1420	1660	85,5	1465	1685	86,9	1500	1710	87,7	1510	1725	87,6	106,3
2	“Магнум”, “Case IH” трактор-лари	235	250	94,0	242	258	93,8	246	263	93,5	248	265	93,6	105,5
3	Транспорт трактор-лари	4520	5200	86,9	4430	5250	84,4	4360	5300	82,3	4310	5320	81,0	95,3
4	Комбайн-лар (галла, пахта)	670	830	80,7	690	840	82,1	700	855	81,9	705	860	82,0	105,2
5	Чопиқ ва культивация техникаси	4030	4600	87,6	4075	4680	87,1	4095	4700	87,1	4110	4730	86,9	102,0
6	Сепгич ва пуркагичлар	1350	1500	90,0	1380	1520	90,8	1400	1540	90,9	1410	1550	91,0	104,4
7	Трактор тирка-малари	4720	5600	84,3	4610	5630	81,9	4560	5660	80,6	4520	5700	79,3	95,8
Жами техника		38270	42440	90,2	38890	42900	90,6	39200	43290	90,5	39623	43600	90,9	103,5

⁸ Манба: Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида.

2021–2024 йилларда умумий техника парки 38 270 дондан 39 623 донча ошган (+3,5%), умумий таъминот даражаси 90,2% → 90,9% кўтарилган (4-жадвал). Бу фермер хўжаликларида технологик салоҳият барқарор ривожланаётганини билдиради. Бироқ таркибий таҳлил техника турлари кесимида фарқ катта эканини кўрсатди:

- хайдов тракторлари ва юқори кувватли (“Magnum”, “Case IH”) тракторлар бўйича ўсиш мавжуд (таъминот 87%–94% атрофида);

- комбайнлар таъминоти 82% атрофида бўлиб, йиғим-теримни механизациялаштиришда ҳали ҳам эҳтиёж сақланади;

- транспорт тракторлари ва трактор тиркамалари бўйича камайиш тенденцияси кузатилиб (таъминот 81,0% ва 79,3%), логистика ва ташиш жараёнларида “бўғин” пайдо бўлаётгани асосланди.

- Туманлар кесимида 1 техника ҳисобига тўғри келадиган ер майдонининг 42–45 гектардан 58–60 гектаргача фарқ қилиши ишлаб чиқариш харажатлари, агротадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши ва ҳосилдорликка бевосита таъсир этаётган муҳим омил сифатида баҳоланди. Умуман, техника билан таъминланганлик ижобий динамикага эга бўлсада, фермер хўжалиқларининг катта қисмида техникага эҳтиёж сақланиб, техника янгиланиш коэффициентининг пастлиги (йиллик 3–4%) иқтисодий самарадорлик ўсишини чеклаётган омил сифатида кўрсатилди.

2024 йилда техника харидининг асосий қисми шахсий маблағлар ҳисобига молиялаштирилгани (вилоят бўйича 78,4%) аниқланди. Лизинг улуши 14,8%, банк (Агробанк) орқали молиялаштириш 6,4%, ташқи грантлар эса жуда паст (0,4%) экани фермерларнинг узок муддатли арзон ресурсларга кириши чекланганлигини кўрсатади. Туманлар кесимида Миришкор ва Косонда лизинг фаоллиги нисбатан юқори, айрим туманларда эса техника деярли тўлиқ шахсий маблағ ҳисобига олинган. Бу ҳолат молиявий инструментлардан фойдаланишни енгиллаштириш, “лизинг–кредит–субсидия” механизмларини рақамлаштириш ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш зарурлигини асослайди.

Минерал ўғитлар билан таъминланиш 2020–2024 йилларда ўсган бўлса-да, умумий таъминланиш даражаси талабга нисбатан паст бўлиб қолган (жами 44,4%). Азотли ўғитларда таъминланиш 58–60% атрофида, фосфорлида 39,3%, калийлида эса ўсиш жадал бўлса-да (5,3 баробар), таъминланиш 13,5% даражада қолган. Демак, агрохимик таъминланишдаги номутаносиблик маҳсулот ҳосилдорлиги ва ресурс қайтимини тўлиқ очиб беришга тўсқинлик қилувчи омил сифатида намоён бўлади; бу айниқса интенсив сабзавотчилик ва боғдорчиликда сезиларли.

2020–2024 йилларда меҳнат ресурслари бўйича вилоятда ишчи кучи таркиби ва бандлик шаклларида ўзгаришлар кузатилган: ишчилар сони ўсиши фонида 1 ишчи ҳисобига ер майдони 5,63 → 5,49 га, суғориладиган ер 3,43 → 3,35 гага тушган. Бу меҳнат–ер нисбатининг ўзгаришини, яъни ишчи кучи зичлиги ортиб бораётганини англатади.

Меҳнат таъминоти туманлар кесимида сезиларли фарқланиб, айрим ҳудудларда ёлланма ишчи улуши юқорилиги (40–45%) меҳнат бозорида мавсумийлик, малака ва ташкилотчилик масалаларини долзарб қилиб қўйган. Иқтисодий натижа сифатида 1 ишчи ҳисобига маҳсулот қиймати 97,6 млн сўмдан 178,6 млн сўмгача ошгани (1,8 баробар) меҳнат унумдорлигида қиймат кўрсаткичи ўсганини кўрсатади. Бироқ ёлланма ишчилар унумдорлигининг 149,8 млн сўмдан 128,0 млн сўмга пасайиши мавсумий ишчилар малакаси, меҳнатни ташкил этиш сифати ва технологик ўзгаришлар билан боғлиқ институционал муаммоларни англатади.

Натурал кўрсаткичларда айрим маҳсулотлар бўйича ишчи бошига ишлаб чиқариш камайгани (пахта, буғдой, сабзавот ва бошқалар) қўл меҳнати улуши, сув таъминоти, технологик интизом ва ҳосилдорлик омилларининг ўзаро таъсири натижаси сифатида баҳоланиб, меҳнат унумдорлигини барқарор оширишда механизация + агротехнология + сув бошқаруви интеграцияси талаб этилиши асосланди.

Таҳлил натижаларига кўра, Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида моддий–техника таъминоти ва агросервис инфратузилмаси кенгайиб бораётган бўлса-да, техника парки таркибидаги номутаносиблик (айниқса транспорт–тиркама бўғини), молиялаштиришда

шахсий маблағлар устунлиги, ўғитлар билан таъминланиш пастлиги ҳамда ёлланма меҳнат унумдорлигидаги пасайиш фермер иқтисодиётида ресурс самарадорлигини тўлиқ очиб беришга тўсқинлик қилмоқда. Шу асосда қуйидаги йўналишлар тавсия этилади:

1. Техник паркни “логистика–ташиш–йиғим” бўғинларини устувор янгилаш орқали таркибий баланслаш;
2. Лизинг ва имтиёзли кредитларни соддалаштириш, ракамлаштириш (“AgroTech Leasing” платформаси) ва ҳудудий эҳтиёжга мос молиялаштириш пакетларини жорий этиш;
3. Минерал ўғитлар таъминотида фосфор–калий сегментларини кучайтириш, агрохимик лабораториялар орқали меъёрий ўғитлашни кенгайтириш;
4. Ёлланма ишчилар малакасини ошириш, мавсумий меҳнатни ташкил этиш менежментини такомиллаштириш ва “Smart-Agro” режалаштириш элементларини жорий этиш;

меҳнат унумдорлигини барқарор ошириш учун механизация, сув тежамкор технологиялар ва агротадбирларни мувофиқлаштирган интеграл бошқарувни кучайтириш.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида ер, сув, меҳнат, моддий-техника ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги динамик қиёсий таҳлил, индекслаш (нормаллаштириш) ҳамда интеграл баҳолаш (UIS ва АБҲИ индекслари) орқали статистик жиҳатдан баҳоланди. Таҳлилда ресурслар самарадорлиги ўзгаришининг манбалари (интенсивлашув, механизация, суғориш бошқаруви, инвестиция фаоллиги, институционал омиллар) ва уларнинг иқтисодий натижага таъсири изчил асосланди.

Вилоят фермер хўжаликларида агроресурслар самарадорлиги йилдан-йилга барқарор ошиб бормоқда. Ер ресурслари бўйича 2024 йилда 11% ўсиш қайд этилган бўлиб, суғориш тизимлари ва ҳосилдорликни ошириш стратегияларининг самарасини кўрсатади. Сув самарадорлиги 6,8% га, техника таъминоти самарадорлиги 13,9% га, меҳнат унумдорлиги 4,5% га, молиявий самарадорлик эса 2,3% га ўсди (5-жадвал).

5– жадвал.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлиги⁹

№	Ресурс тури	Ўлчов кўрсаткичи ва ҳисоблаш усули	2020	2021	2022	2023	2024	2024/ 2020 %	2024/ 2023 %
1	Ер самарадорлиги	1 га ер ҳисобига қ/х маҳсулоти (млн сўм)	52,3	66,7	77,1	91,1	101,1	193,2	111,0
2	Сув самарадорлиги	1 м³ суғориш сувига маҳсулот (сўм)	22,4	24,6	26,8	28,1	30,0	133,9	106,8
3	Моддий-техника самарадор-лиги	1 техника бирлигига маҳсулот (млрд сўм)	11,8	14,0	16,1	18,7	21,3	180,5	113,9
4	Меҳнат самарадор-лиги	1 ишчи ҳисобига маҳсулот (млн сўм)	97,6	103,0	109,8	116,2	121,4	124,4	104,5
5	Молиявий самарадорлик	1 сўм харажатга нисбатан маҳсулот (сўм)	1,19	1,23	1,26	1,29	1,32	110,9	102,3

Тадқиқотда Шаҳрисабз туманидаги “ASAL MOMO ERGASHEVA” фермер хўжалиги мисолида агроресурсларнинг реал самарадорлиги UIS (умумий иқтисодий самарадорлик) индекси орқали ҳисобланди.

Нормаллаштирилган кўрсаткичлар асосида $UIS = 0,64$, яъни хўжаликда агроресурслардан фойдаланиш ўртадан юқори (64%) самарадорлик даражасида экани аниқланди. Таҳлил хулосасига кўра, UISни 0,75 гача ошириш учун биринчи навбатда сув самарадорлиги ва техника модернизацияси бўйича мақсадли чоралар зарур.

Қашқадарё вилоятида турли хўжалик шаклларида ресурслар самарадорлиги бир хил эмас(6-жадвал). Шу сабабли фермер (“NAVBAHOR AGRO FARMER”), деҳқон (“OBOD DEHQON”) ва кластер (“KARSHI AGRO KLASSTER”) субъектларида агроресурслар

⁹ Манба: Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб - китоби.

самарадорлиги АВҮИ (Агроресурслар барқарорлигининг йиғма индекси) индекси орқали баҳоланди.

Тадқиқот натижалари Қашқадарё вилоятида 2020–2024 йилларда агроресурслардан фойдаланиш самарадорлиги барқарор ўсганини, айниқса ер ва моддий-техника омиллари юқори суръатда яхшиланганини кўрсатди. Бироқ сув самарадорлиги (айниқса айрим туманлар ва хўжаликларда) ҳали ҳам чекловчи омил бўлиб қолмоқда; молиявий самарадорлик ўсишининг пастлиги эса харажатлар босими ва молия ресурслари шартларини такомиллаштириш заруратини билдиради.

6 – жадвал.

АВҮИ индекси натижалари¹⁰

Хўжалик тури	АВҮИ индекси	Илмий баҳолаш
Дехқон хўжалиги	0,91	Юқори самарадорлик
Фермер хўжалиги	0,51	Ўртадан юқори барқарорлик
Кластер тизими	0,44	Ўрта паст самарадорлик

Диссертациянинг **“Фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида, фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган концептуал ёндашувлар, илмий-услубий асослар ҳамда амалий механизмлар тизимли равишда ишлаб чиқилган ва илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Ушбу бобда ер, сув, меҳнат, моддий-техника ва молиявий ресурсларнинг ўзаро уйғун бошқаруви асосида барқарор ривожланишни таъминлаш йўллари аниқланган, ресурс тежамкор ва “яшил иқтисодиёт” тамойилларига таянадиган инновацион ечимларни жорий этишнинг самарадорлиги очиб берилган. Шунингдек, агроресурслардан фойдаланиш даражасини баҳолаш ва рағбатлантиришга хизмат қилувчи индикаторлар ва механизмлар таклиф этилган бўлиб, уларни амалиётга татбиқ этиш фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлиги, рақобатбардошлиги ҳамда миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши илмий асосланган.


Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, агроресурслардан самарали фойдаланиш фақат иқтисодий натижалар билан чекланиб қолмасдан, экологик барқарорлик, ижтимоий самара ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли агроресурслар самарадорлиги концепцияси ер, сув, меҳнат, моддий-техника, молиявий ҳамда инновацион ресурсларнинг ўзаро интеграциялашган бошқарувини назарда тутди.

Фермер хўжаликларида агроресурслар самарадорлигини таъминловчи асосий йўналишлар тизимли равишда ифодаланган. Унда энергия самарадорлиги, сув тежамкорлик, ер унумдорлигини тиклаш, экологик менеджмент ва агросаноат занжирида чиқиндиларни қайта ишлаш ўзаро боғлиқ элементлар сифатида акс эттирилган.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари келтирилган (2-расм). Унда ерларни балл-бонитет ва мелиоратив ҳолатига кўра гуруҳлаш орқали дифференциал ёндашув қўллаш зарурлиги асосланди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ерларнинг сифат кўрсаткичларини инобатга олмаган ҳолда бир хил агротехнологияларни қўллаш самарадорликнинг пасайишига олиб келади. Шунинг учун илмий асосланган алмашлаб экиш ва мелиорация чора-тадбирлари маҳсулот ҳосилдорлигини барқарор оширишга хизмат қилади.

Агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик очиб берилган. Ер, сув, меҳнат ва техника ресурслари алоҳида эмас, балки ягона тизим сифатида ҳаракат қилади. Бир ресурсдаги самарадорликнинг ошиши бошқа ресурслардан фойдаланиш натижадорлигини ҳам оширади. Бу эса агроресурслар самарадорлигини интеграл ёндашув асосида баҳолаш зарурлигини тасдиқлайди.

¹⁰ Манба: Муаллиф ҳисоб - китоби.



2 - расм. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари¹¹

¹¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



3 – расм. Фермер хўжаликларида агросеруслардан фойдаланишда баҳолаш мезони ¹²

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Муаллиф томонидан таклиф этилган агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилган (3-расм. Ушбу механизм фермер хўжаликларини 1 дан 100 баллгача баҳисоблаш орқали тўрт гуруҳга ажратишни назарда тутди. Расм таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур ёндашув давлат томонидан молиявий рағбатлантиришни мақсадли йўналтириш, ресурслардан оқилона фойдаланишни кучайтириш ҳамда фермерларни юқори самарадорликка ундаш имконини беради.

Фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш комплекс, инновацион ва “яшил иқтисодиёт” тамойилларига асосланган ёндашувни талаб этишини илмий жиҳатдан тасдиқлайди. Таклиф этилган йўналишларни амалга ошириш фермер хўжаликларининг барқарор фаолиятини таъминлашга хизмат қилади.



4 – расм. Фермер-кластер-деҳқон интеграция моделининг ташкилий тузулмаси ¹³

Муаллиф “мувофиқлаштириш” тушунчасини иқтисодий категория сифатида таҳлил қилиб, уни агресурслар (ер, сув, меҳнат, техника ва молия)дан фойдаланиш жараёнларини ўзаро уйғунлаштириш, ишлаб чиқариш ва бозор муносабатлари ўртасида мувозанатни таъминлаш ҳамда ҳудудий даражада фермер хўжаликлари, кооперативлар ва давлат институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлайди.

¹³ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Фермер–кластер–деҳқон интеграция модели аграр ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида ресурслар, технологиялар, сервис хизматлари ва бозор алоқаларининг тизимли уйғунлашувини таъминловчи институционал-иқтисодий механизм сифатида асосланди. Модель доирасида кластер инвестиция ва инновацияларни жалб қилиш, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш вазифасини бажаради, агросервис эса техник, консалтинг ва рақамли хизматлар орқали ишлаб чиқариш жараёнини технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари аграр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини сифатида агресурслардан рационал фойдаланиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор оширишни таъминлайди.

Таклиф этилган модель агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш, маҳсулот рақобатбардошлигини кучайтириш ҳамда аграр секторнинг барқарор интенсив ривожланишини таъминлашга хизмат қилади (4-расм).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ресурслар ҳажмини ошириш орқали эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнларини стандартлаштириш, рақамли мониторингни жорий этиш, иқтисодий рағбатлантириш механизмларини қўллаш ва халқаро сифат стандартларини интеграция қилиш орқали таъминланади. Шу мақсадда агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган интеграциялашган ташкилий-иқтисодий механизм ҳамда халқаро стандартлар асосида комплекс баҳолаш имконини берувчи АЕ интеграл модели назарий жиҳатдан таклиф этилди.

$$AE = (Rs + Dm + Ei + Qc)$$

Моделда халқаро стандартларнинг таъсири қуйидаги функционал компонентлар орқали намоён бўлади: АЕ — халқаро стандартлар асосида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳоловчи интеграл кўрсаткич. Rs — ресурслар стандартлашув самараси. Dm — рақамли мониторинг самараси. Ei — иқтисодий рағбат таъсири. Qc — сифат назорати самараси.

Аграр ишлаб чиқариш тизимида халқаро стандартларни жорий этиш агресурслардан фойдаланиш жараёнларини стандартлаштириш, ресурс сарфини оптималлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг технологик интизомини кучайтириш орқали иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилиши илмий жиҳатдан асосланди. GLOBALG.A.P ва ISO 9001 стандартлари талабларига мувофиқ агротехнологик жараёнларни ташкил этиш ресурс тежамкорлигини таъминлаш, маҳсулот сифати ва хавфсизлигини ошириш ҳамда аграр ишлаб чиқаришнинг барқарор иқтисодий натижадорлигини таъминлаш имконини беради (5-расм).



5 – расм. Агресурс самарадорлигини стандартлаштириш орқали ошириш модели.¹⁴

Фермер хўжалиларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболларини иқтисодий-статистик ва эконометрик усуллар асосида прогноزلаш масалалари тадқиқ этилди. Тадқиқот жараёнида 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қиймати асосий натижавий кўрсаткич сифатида қабул қилиниб, унга таъсир этувчи омиллар – моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси, умумий ер майдони ҳамда агросервис ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектлари сонининг таъсири кўп омилли


¹⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

регрессия модели асосида баҳоланди. Омиллар ўртасидаги мултиколлинеарлик VIF тести орқали таҳлил қилиниб, вақт қаторларининг стационарлиги ADF тести орқали тасдиқланди.

7-жадвал.

Истиқболда Қашақадарё вилоятидаги фермер хўжаликларида 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қиймати

Йиллар	Прогноз қилинган маҳсулот қиймати, млн сўм/га
2026	39,53
2027	41,21
2028	42,84
2029	44,41
2030	45,94



6-расм. Қашақадарё вилоятидаги фермер хўжаликларида 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қийматининг 2030 йилгача прогнози

Тузилган модель юқори ишончилилик даражасига эга бўлиб ($R^2 = 0,987$), 2026–2030 йиллар учун прогноз натижалари 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қийматининг барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатди. Олинган натижалар фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди.

ХУЛОСА

1. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида агроресурслар фермер хўжаликлари иқтисодий натижалари ва барқарорлигини таъминловчи табиий, моддий, молиявий, меҳнат, инновацион ва интеллектуал ресурслар мажмуасини ифодаловчи комплекс иқтисодий категория сифатида аниқлаштирилди. Агроресурслар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар табиий-экологик, иқтисодий-молиявий, ташкилий-бошқарув, технологик-инновацион ва инсон капитали кесимида тизимлаштирилиб, уларнинг комплекс таъсири ишлаб чиқариш самарадорлигини белгиловчи муҳим омил эканлиги асосланди. Шунингдек, самарадорликни баҳолашда ресурс сарфи, ишлаб чиқариш натижалари ва иқтисодий қайтимни қамраб олган комплекс кўрсаткичлар тизимини қўллаш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланиб, агроресурслардан самарали фойдаланиш фермер хўжаликлари иқтисодий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги хулоса қилинди.

2. Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодий самарадорликни таъминловчи асосий омил эканлиги илмий жиҳатдан асосланди. Шу асосда агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш мақсадида ер (YFS), сув (SFS), меҳнат (IKFS), моддий-техника ресурслари (MTFS), фермернинг интеллектуал салоҳияти (IS_{fermer}) ва табиий-иқлим шароити (TI) кўрсаткичларини қамраб олган умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи

(UIS) ишлаб чиқилди. Мазкур кўрсаткич агресурслардан фойдаланиш натижаларини комплекс баҳолаш, уларнинг иқтисодий натижага таъсирини аниқлаш ва фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини объектив баҳолаш имконини бериши билан асосланди. Натижада, UIS кўрсаткичи агресурслардан фойдаланиш даражасини баҳолаш, самарадорликни ошириш имкониятларини аниқлаш ва аграр ишлаб чиқариш иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим илмий-амалий мезони сифатида асосланди.

3. Фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ва барқарорлигини комплекс баҳолашнинг илмий-методик асослари такомиллаштирилиб, ер, сув, меҳнат, моддий-техника ва молиявий ресурслар самарадорлигини нормаллаштирилган кўрсаткичлар ва уларнинг вазн коэффициентлари асосида баҳоловчи **ABYI (агресурслар барқарорлигининг йиғма индекси)** ишлаб чиқилди. Мазкур индекс OECD, FAO композит индикаторлар методологияси ва АНР усули асосида миллий аграр шароитга мослаштирилиб, агресурслардан фойдаланиш даражаси, самарадорлиги ва барқарорлигини комплекс баҳолаш имконини бериши асосланди. Шу билан бирга, агресурслар самарадорлигини баҳолашда бир бирлик ресурс ҳисобига маҳсулот ҳажми ва ресурслар рентабеллиги кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилиб, улар фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлиги, инвестиция жозибadorлиги ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини объектив баҳолаш имконини бериши исботланди. Натижада, таклиф этилган интеграл ёндашув агресурслар самарадорлиги ва иқтисодий барқарорликни баҳолаш ҳамда уларни оширишнинг устувор йўналишларини белгилашнинг муҳим илмий-амалий асоси сифатида асосланди.

4. Нидерландия, Германия, Бразилия ва Қозоғистон тажрибаси қиёсий таҳлили фермер хўжаликларида агресурслар самарадорлигининг юқори даражаси инновацион ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ресурсларни интенсив бошқариш ҳамда давлатнинг самарали молиявий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари билан таъминланишига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шу асосда агресурслар самарадорлигини оширишда рақамли бошқарув, ресурс тежамкор технологиялар ва техник-технологик модернизация ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги асосланди. Натижада, республика шароитида ер ва сув ресурсларини рақамли мониторинг қилиш, смарт суғориш ва сунъий интеллект асосида бошқарувни жорий этиш ҳамда фермер хўжаликларини модернизация қилиш аграр тармоқ иқтисодий самарадорлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим илмий-амалий йўналишлари сифатида ҳулосаланди.

5. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида 2020–2024 йилларда суғориладиган ер майдонлари барқарор сақланган ҳолда, ердан фойдаланиш самарадорлиги ижобий ўсганлиги аниқланди. Жумладан, 1 гектар ҳисобига маҳсулот қиймати 29,0 млн сўмдан 36,0 млн сўмгача (24,0%) ошгани ва ялпи маҳсулот ҳажми 12,75 трлн сўмдан 15,85 трлн сўмгача кўпайгани ер ресурсларидан интенсив фойдаланиш кучайганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, ер унумдорлиги индекси 124,1% га етган бўлса-да, суғориладиган ерларнинг 31,5% қисми шўрлангани ва тупроқ бонитети 54 баллдан 51 баллга пасайгани ер ресурслари қайтимини чеклаётган асосий омиллар эканлиги асосланди. Шу асосда ер ресурслари самарадорлигини ошириш мелиоратив ҳолатни яхшилаш, сув тежамкор ва рақамли агротехнологияларни жорий этиш ҳамда деградацияга учраган ерларни тиклаш орқали аграр ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашнинг муҳим йўналиш ҳисобланади.

6. Амалга оширилган таҳлиллар Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги самарадорлиги сув ресурсларидан фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, умумий сувнинг 98 % қисми аграр мақсадларда сарфланиши унинг стратегик аҳамиятини белгилашини кўрсатди. 2020–2024 йилларда 1 гектарга сув сарфи 11,3 минг м³ дан 10,7 минг м³ гача камайиб, 1 минг м³ сув ҳисобига маҳсулот ҳажми 8–9 % га ошгани самарадорлик маълум даражада яхшиланганини тасдиқлайди. Бироқ ирригация тармоқлари самарадорлигининг 0,65 даражада сақланиши, сувнинг 35–40 % қисми йўқотилиши, инфратузилманинг 45–50 % қисми таъмирга муҳтожлиги ва сув тежамкор технологиялар

жорий этилишининг 8,7 % дан ошмаётгани асосий чекловчи омиллар ҳисобланади. Шу боис, ирригация-дренаж тизимларини модернизация қилиш ва сув тежамкор технологияларни кенг жорий этиш аграр ишлаб чиқаришнинг иқтисодий барқарорлиги ва ресурс қайтимини оширишнинг муҳим шарти эканлиги асосланди.

7. Монографик тадқиқотлар натижасида Қашқадарё вилоятида 2020–2024 йилларда агросервис ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари сони 79 тадан 125 тагача (158,2 %) ошиб, фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминоти яхшилангани аниқланди. Бирок инфратузилманинг ҳудудий номутаносиблиги, айрим туманларда хизмат нуқталари етишмаслиги ва техника юкланишидаги фарқлар ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини чеклаётгани баҳоланди. Шу билан бирга, техника таъминоти 90,9 % га етган бўлсада, транспорт ва тиркамалар таъминотининг пастлиги (81,0 % ва 79,3 %) ҳамда техника харидининг 78,4 % шахсий маблағлар ҳисобига амалга оширилиши молиявий-лизинг механизмлари етарли ривожланмаганини кўрсатди. Минерал ўғитлар билан таъминланиш даражасининг 44,4 % ни ташкил этиши ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини чеклаётган омил сифатида аниқланди. Натижада, агросервис инфратузилмасини мақбул жойлаштириш, техника паркини модернизация қилиш, лизинг механизмларини кенгайтириш ва ўғит таъминотини яхшилаш фермер хўжаликлари самарадорлигини оширишнинг муҳим иқтисодий шарти эканлиги асосланди.

8. Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш таҳлили 2020–2024 йилларда ишчилар сони 117,8 минг нафардан 156,0 минг нафаргача (32,4 %) ошганини, бироқ 1 ишчи ҳисобига ер майдони 5,63 гектардан 5,49 гектаргача камайгани меҳнат ресурслари зичлиги ортганини кўрсатди. Шу билан бирга, 1 ишчи ҳисобига маҳсулот қиймати 97,6 млн сўмдан 178,6 млн сўмгача (1,8 баробар) ошгани меҳнат унумдорлиги яхшиланганини тасдиқлайди. Бирок ёлланма ишчилар унумдорлигининг 149,8 млн сўмдан 128,0 млн сўмгача пасайиши меҳнатни ташкил этиш ва малака даражасида муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Натижада, инсон капиталини ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш ва меҳнат жараёнларини механизациялаштириш меҳнат самарадорлигини барқарор оширишнинг муҳим омили эканлиги асосланди.

9. Амалга оширилган статистик-иқтисодий таҳлиллар 2020–2024 йилларда Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлиги барқарор ўсганини кўрсатди. Жумладан, 1 гектар ер ҳисобига маҳсулот ҳажми 52,3 млн сўмдан 101,1 млн сўмгача (1,93 баробар), 1 м³ сув ҳисобига маҳсулот 22,4 сўмдан 30,0 сўмгача (133,9%), моддий-техника ресурслари самарадорлиги 11,8 млрд сўмдан 21,3 млрд сўмгача (180,5%) ва меҳнат самарадорлиги 97,6 млн сўмдан 121,4 млн сўмгача (124,4%) ошгани ресурслардан фойдаланиш комплекс яхшиланганини тасдиқлади. Шу билан бирга, “ASAL MOMO ERGASHEVA” фермер хўжалигида UIS кўрсаткичининг 0,64 даражада шаклланиши самарадорлик ўртадан юқори босқичда эканлигини, сув ва моддий-техника ресурслари бўйича ички имкониятлар мавжудлигини кўрсатди.

АВҲІ интеграл баҳолаш натижаларига кўра, агресурслар самарадорлиги деҳқон хўжалигида 0,91, фермер хўжалигида 0,78 ва кластер корхонасида 0,69 ни ташкил этгани ресурслар қайтими хўжалик юритиш шакли ва улардан фойдаланиш интенсивлигига бевосита боғлиқ эканлигини илмий жиҳатдан асослади.

10. Тадқиқот натижалари фермер хўжаликларида агресурслар самарадорлигини ошириш ташкилий-иқтисодий, мелиоратив, агротехник ва институционал чоралар уйғунлиги асосида таъминланишини кўрсатди. Хусусан, ер ресурсларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўналишлари 4 та гуруҳ — ташкилий-мелиоратив, инженерлик-мелиоратив, агротехник ва ташкилий-иқтисодий тадбирлар асосида тизимлаштирилиб, улар ер унумдорлиги ва иқтисодий қайтимни оширишнинг муҳим омили эканлиги асосланди. Шу билан бирга, агресурслар самарадорлиги ер, сув, меҳнат ва моддий-техника ресурслари ўртасидаги функционал боғлиқлик асосида шаклланиши ва уларни интеграциялашган бошқариш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди.

Агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг баллик тизими ишлаб чиқилиб, у фермер хўжаликларини объектив баҳолаш ва иқтисодий рағбатлантириш орқали аграр ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашнинг муҳим илмий-амалий механизми эканлиги исботланди.

11. Агроресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ресурслар миқдорини оширишга эмас, балки фермер, кластер ва деҳқон хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мувофиқлашув даражасига боғлиқ эканлиги илмий жиҳатдан асосланди. Шу асосда ресурслар, технологиялар, молиявий қўллаб-қувватлаш ва бозор инфратузилмасини ягона қиймат занжирида уйғунлаштиришга қаратилган **фермер–кластер–деҳқон интеграция модели** ишлаб чиқилди.

Интеграция даражасини баҳолаш учун $FKDIM = \sum (Rc + Tc + Fc + Mc + Ic)$ умумлаштирилган кўрсаткичи таклиф этилди, бунда **Rc** — ресурслардан биргаликда фойдаланиш, **Tc** — технологиялардан фойдаланиш, **Fc** — молиявий таъминланганлик, **Mc** — бозор билан боғлиқлик ва **Ic** — ташкилий-иқтисодий муносабатлар самарадорлигини ифодалайди. Мазкур кўрсаткич интеграция даражаси ошиши ресурслар қайтимини синергетик таъсир асосида кўпайтиришини кўрсатади. Натижада, интеграция модели агроресурслар айланмасини самарали ташкил этиш ва фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг илмий асосланган ташкилий-иқтисодий механизми сифатида баҳоланди.

12. Агроресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ресурслар ҳажминини ошириш орқали эмас, балки улардан фойдаланиш жараёнларини илмий меъёрлаштириш, стандартлаштириш ва рақамли бошқарув асосида ташкил этиш орқали таъминланиши илмий жиҳатдан асосланди. Шу асосда **GLOBALG.A.P** ва **ISO 9001** халқаро стандартларини фермер хўжаликлари фаолиятига жорий этишнинг комплекс ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилди. Бунда **GLOBALG.A.P** ресурс сарфини меъёрлаштириш ва барқарорликни таъминлашга, **ISO 9001** эса ишлаб чиқариш жараёнларини тизимлаштириш ва сифат менежменти орқали иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Агроресурслар самарадорлигини баҳолаш учун $AE = (Rs + Dm + Ei + Qc)$ интеграл модели таклиф этилди, бунда **AE** — умумий самарадорлик кўрсаткичи, **Rs** — ресурслар стандартлашуви, **Dm** — рақамли мониторинг, **Ei** — иқтисодий рағбат ва **Qc** — сифат назорати самарасини ифодалайди. Мазкур ёндашув агроресурслардан оқилона фойдаланиш, харажатларни қисқартириш ва фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим илмий-амалий асоси эканлиги билан изоҳланади.

13. Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва истиқболини аниқлаш мақсадида 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қиймати натижавий кўрсаткич сифатида танланди ва эконометрик усуллар орқали таҳлил қилинди. VIF тести асосида модел оптималлаштирилди, вақт каторлари стационар ҳолатга келтирилди ва барқарор кўп омилли регрессия модели шакллантирилди ($R^2=0,987$).

Таҳлил натижалари агросервис инфратузилмаси ҳамда моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси маҳсулот қиймати ўсишида ҳал қилувчи омиллар эканини кўрсатди. Прогноз ҳисоб-китобларига кўра, Қашқадарё вилоятида 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қиймати 2026 йилда 39,53 млн сўм/га дан 2030 йилга келиб 45,94 млн сўм/га га етиши кутилмоқда. Мазкур давр мобайнида кўрсаткич умумий ҳисобда 16,2 фоизга ўсиши, ўртача йиллик ўсиш суръати эса тахминан 3,8–4,0 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Натижалар ресурслардан самарали фойдаланиш, агросервисни ривожлантириш ва замонавий технологияларни жорий этиш фермер хўжаликлари иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди.

Мазкур илмий натижаларни ҳудудий аграр ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда, фермер хўжаликлари фаолиятини стратегик режалаштиришда ва инвестиция лойиҳаларини иқтисодий асослашда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш барқарорлиги ва аграр соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS
I Бўлим (I част; I part)

1. А.Исақов. “Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги” ЎзБИИТИ “Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш халқаро илмий-амалий конференцияси 21-22 май Тошкент 2004 й. 294-296 бетлар.
2. А.Исақов. “Фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш йўллари” Ўзбекистон Республикаси Сенати “Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари” илмий-амалий конференцияси 3-июнь Тошкент 2005 й. 133-134 бетлар.
3. А.Исақов. “Фермер хўжаликларида бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг айрим масалалари” ТИМИ “”Сув хўжалигининг замонавий муаммолари” илмий-амалий конференцияси 28-29 апрель 2006 й. 172-173 бетлар.
4. А.Исақов, О.Соатов. “Фермер хўжаликларини бошқарув механизмини ривожлантиришнинг айрим масалалари”. ТИМИ “”Сув хўжалигининг замонавий муаммолари” илмий-амалий конференцияси 28-29 апрель 2006 й. 232-233 бетлар.
5. А.Исақов. “Фермер хўжаликлари фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари” ҚММИ “Аграр соҳада иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишлари” халқаро илмий-амалий конференцияси 26-27 май 2006 й. 247 – бет.
6. А.Исақов. “Дехқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари ва уларни ечиш йўллари” Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий конференцияси 15-17 март, 2007 й. 185-187 бетлар
7. А.Исақов. “Причины засоления орошаемых земель в фермерских хозяйствах” Двадцатые международные Плехановский конференции 6 апреля 2007 г. Стр-451.
8. А.Исақов, О.Соатов. “Фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини ривожлантириш” ТИМИ “Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари” Республика илмий амалий конференция 23-24 ноябрь 2007 й.80-83 бетлар.
9. А. Исақов, А.Джуманов. “Фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш” Қишлоқ хўжалиги “Агро илм” жўрнали 2009 йил 3- сон. 67 – бет.
10. А.Исақов. “Қишлоқ хўжалигида сифат бошқаруви омиллари ва истиқболлари” Қишлоқ хўжалиги “Агро илм” жўрнали 2009 йил 4- сон. 50–бет.
11. А.Исақов. “Фермер хўжаликларида агресурслардан самарали фойдаланишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари” ЎзБИИТИ Республика илмий-амалий конференцияси 2011 йил. 78-79 бетлар.
12. А. Исақов, А.Джуманов, “Ўзбекистон Республикасида агросаноат кластерлар фаолиятида халқаро стандартларни жорий қилиш” Услубий қўлланма. Тошкент:“ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ” нашриёти, 2022 йил -56 бет.
13. А.Исақов.“Фермер хўжаликларида агресурслардан фойдаланишнинг назарий асослари” Агроиқтисодиёт илмий-амалий агроиқтисодий жўрнали 2023 йил 2- сон. 39-41 бетлар.
14. А.Исақов. “Improvement of the system of indicators determining the efficiency of the use of agricultural resources in farms” Global Journal of Research in Agriculture. ISSN: 2583-4576. Jan-fev 2026. Pages 17-20.

II Бўлим (II част; II part)

15. “Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг аҳамияти” ТИҚХММИ “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” Магистрларнинг биринчи илмий-амалий конференцияси 18-19 июнь Тошкент-2002 й.

16. “Корхоналарда ҳисоб сиёсатини юритиш йўллари” ТИҚХММИ “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” Магистрларнинг биринчи илмий-амалий конференцияси 18-19 июнь Тошкент-2002 й.

17. А.Исақов, Н.Султонов. “Фермер хўжаликларида давлат хариди бўлган пахта ва буғдой учун кредит беришни такомиллаштириш йўллари” ТИМИ “Сув хўжалигининг замонавий муаммолари” илмий-амалий конференцияси 28-29 апрель 2006 й. 176-178 бетлар.

18. А.Исақов, У.Нигмаджанов. «Фермер хўжаликларида кредит беришни такомиллаштириш» ТИМИ “Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари” Республика илмий амалий конференция 23-24 ноябрь 2007 й. 83-85 бетлар.

19. “Экономическая эффективность севооборота в фермерских хозяйствах” № 11 журнал экономика и финансы. Москва 2007 год. Страница 59-60.

20. «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш» ЎзБМА “Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни” халқаро илмий-амалий конференция 25 сентябрь 2009 йил. 281-283 бетлар.